

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР АҲОЛИСИ ОРАСИДА НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ



Лочинов Фарход Назарович - Тошкент тиббиёт академияси “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.



Пулатов Музафар Махаматжанович - РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиали, суд-тиббий эксперт

Аннотация. Ушбу мақолада Олмалиқ шаҳар аҳолиси орасида нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш натижалари берилган. Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалини Олмалиқ шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлимида 2020-2022 йилларда мурда текширувига оид тузилган эксперт хулосалари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасига кўра, ушбу йилларда нафас олиш тизими касалликларидан ўлим аёлларга нисбатан эркакларда ҳамда 1 ёшгача бўлган болаларда кўп қайд этилган, баҳор ва ёз мавсумларида ўлим кўрсаткичи ўсиб борганлиги шунингдек, энг кўп ўлим пневмония ва бронхопневмониядан юз берганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: нафас олиш тизими касалликлари, пневмония, бронхопневмония суд-тиббий экспертиза, профилактика чоралари.

Аннотация. В данной статье приводятся судебно-медицинский анализ и статистическая обработка случаев смертности, связанные с заболеванием дыхательной системы среди населения города Алмалык. Для решения данной проблемы изучены судебно-медицинские заключения, составленные экспертами отдела судебно-медицинской экспертизы г. Алмалык Ташкентского областного филиала РНПЦСМЭ за период 2020-2022 гг. Результаты исследования показали, что смертность от заболеваний дыхательной системы встречается чаще среди мужчин и детей до 1 года жизни, а также увеличение её показателей в весенний и летние периоды. Также отмечено, что чаще всего смерть наступала от пневмонии и бронхопневмонии.

Ключевые слова: заболевание дыхательной системы, пневмония, бронхопневмония, судебно-медицинская экспертиза, меры профилактики.

Annotation. This article provides forensic analysis and statistical processing of mortality cases associated with respiratory system disease among the population of the city of Almalyk. To solve this problem, forensic medical reports compiled by experts from the forensic medical examination department of the city of Almalyk of the Tashkent regional branch of the Republican Scientific and Practical Center for Medical Examinations for the period 2020-2022 were studied. The results of the study showed that mortality from diseases of the respiratory system is more common among men and children under 1 year of age, as well as an increase in its rates in the spring and summer. It was also noted that most often death occurred from pneumonia and bronchopneumonia.

Key words: respiratory system disease, pneumonia, bronchopneumonia, forensic medical examination, preventive measures.

Мавзуни долзарблиги. Нафас олиш тизими билан боғлиқ касалликлар унчалик хавфли кўринмаса-да, аслида ўлим хавфи жуда юқори касалликлар гуруҳига киради. Ҳозирги пайтда аҳоли орасида учрайдиган нафас аъзолари касалликларининг асосий қисмини бронхиал астма, сурункали обструктив ўпка касаллиги ва пневмония ташкил қилади. Масалан, дунё статистикаси бўйича бронхиал астма касаллиги аҳоли орасида ўртача 5 фоиз ҳолларда учрайди, бу кўрсаткич болалар орасида янада кўпроқ учраб 10 фоизни ташкил қилади. Сурункали обструктив ўпка касаллиги дунё бўйича касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг асосий сабабларидан бирига айланиб бормокда. Бу ўз ўрнида иқтисодий ва ижтимоий муоаммоларни юзага келтиради. Инфекцион касалликлар орасида ўлим сабаблари кўрсаткичи бўйича пневмония биринчи ўринни ва умумий ўлим кўрсаткичи сабаблари бўйича олтинчи ўринни эгаллайди. Нафас аъзолари касалликлари орасида катта муаммоларга сабаб бўлувчи яна бир нечта касалликлар бор. Буларга ўпканинг интерстициал касалликлари, муковисцидоз, нафас етишмовчилиги, уйқу апноэ синдроми, ўпка сили ва юқори нафас аъзолари касалликлари киради.

Юртимизда аҳоли орасида касалланишлар кўрсаткичи бўйича нафас аъзолари касалликлари биринчи ўринни эгаллайди ва касалликларнинг асосий турлари орасида 30-31,5 фоизни ташкил қилади. Нафас аъзолари касалликлари ўлим сабаби кўрсаткичи бўйича бешинчи ўринни (4,1-4,2 фоиз), болалар орасида эса иккинчи ўринни (16,6 фоиз) эгаллайди. Ўзбекистон кескин континентал иқлим минтақасига киради. Айниқса, Орол фожияси, сўнгги йиллардаги иқлимий ўзгаришлар мамлакатимиз аҳолиси орасида нафас олиш аъзолари касалланишлари даражасини ошириб юборди [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8].

Тадқиқотнинг мақсади. Олмалик шаҳар аҳолиси орасида нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Олмалик шаҳар аҳолиси орасида нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида, РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалини Олмалик шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлимида 2020-2022 йилларда мурда текширувига оид тузилган эксперт хулосалари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. 2020 йилда жами 323 та мурда текшируви ўтказилган ва 33 та (10,2%) ҳолатда ўлим нафас олиш тизими касалликлардан юз берганлиги аниқланган ҳамда ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Улардан эркаклар - 19 та (57,6%), аёллар - 14 та (42,4%). Ёш бўйича таҳлил қилинганда: 0-1 ёшгача 28 та (84,8%), 1-3 ёшдагилар 1 та (3,0%), 3-7 ёшдагилар 1 та (3,0%), 18-30 ёшдагилар 1 та (3,0%), 30-40 ёшдагилар 1 та (3,0%), 50-60 ёшдагилар 1 та (3,0%)ни ташкил этган. 7-18 ёшдагилар, 40-50 ёшдагилар ва 60 ёшдан юқоридагиларда ўлим ҳолати кузатилмаган. Йил мавсумлари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 12 та (36,4%), баҳорда 10 та (30,3%), ёзда 5 та (15,1%), кузда 6 та (18,2%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 6 та (18,2%), сешанба 4 та (12,1%), чоршанба 8 та (24,2%), пайшанба 3 та (9,1%), жума 5 та (15,1%), шанба 3 та (9,2%), якшанба 4 та (12,1%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим юз берган жойи таҳлил қилинганда: уйида 3 та (9,1%), тиббий муассасада 30 та (90,9%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Ўлим нафас олиш тизимининг айнан қайси бир касаллигидан юз берганлиги таҳлил қилинганда: пневмония - 17 та (51,5%), бронхопневмония - 7 та (21,2%), пневмопатиялар - 4 та (12,1%), ўпкалар сили - 1 та (3,0%), ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияси - 4 та (12,1%)ни ташкил этган.

2021 йилда жами 321 та мурда текшируви ўтказилган ва 58 та (18,1%) ҳолатда ўлим нафас олиш тизими касалликлардан юз берганлиги аниқланган ҳамда ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Улардан эркаклар - 34 та (58,6%), аёллар - 24 та (41,4%). Ёш бўйича таҳлил қилинганда: 0-1 ёшгача 50 та (86,2%), 3-7 ёшдагилар 1 та (1,7%), 18-30 ёшдагилар 1 та (1,7%), 30-40 ёшдагилар 1 та (1,7%), 40-50 ёшдагилар 3 та (5,2%), 50-60 ёшдагилар 2 та (3,4%)ни ташкил этган. 1-3 ёшдагилар, 7-18 ёшдагилар ва 60 ёшдан юқоридагиларда ўлим ҳолати кузатилмаган. Йил мавсумлари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 17 та (29,3%), баҳорда 15 та (25,9%), ёзда 14 та (24,1%), кузда 12 та (20,7%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 8 та (13,8%), сешанба 15 та (25,9%), чоршанба 7 та (12,1%), пайшанба 9 та (15,5%), жума 5 та (8,6%), шанба 10 та (17,2%),

якшанба 4 та (6,9%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим юз берган жойи таҳлил қилинганда: уйида 10 та (17,2%), тиббий муассасада 48 та (82,8%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Ўлим нафас олиш тизимининг айнан қайси бир касаллигидан юз берганлиги таҳлил қилинганда: пневмония - 42 та (72,4%), бронхопневмония - 7 та (12,1%), пневмопатиялар - 7 та (12,1%), ўпкалар сили - 1 та (1,7%), ҳомиланинг бачадон ичи инфекцияси 1 та (1,7%)ни ташкил этган.

2022 йилда жами 299 та мурда текшируви ўтказилган ва 39 та (13,0%) ҳолатда ўлим нафас олиш тизими касалликлардан юз берганлиги аниқланган ҳамда ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Улардан эркаклар - 21 та (53,8%), аёллар - 18 та (46,2%). Ёш бўйича таҳлил қилинганда: 0-1 ёшгача 34 та (87,2%), 3-7 ёшдагилар 1 та (2,6%), 7-18 ёшдагилар 1 та (2,6%), 18-30 ёшдагилар 1 та (2,6%), 30-40 ёшдагилар 1 та (2,6%), 50-60 ёшдагилар 1 та (2,6%)ни ташкил этган. 1-3 ёшдагилар, 40-50 ёшдагилар ва 60 ёшдан юқоридагиларда ўлим ҳолати кузатилмаган. Йил мавсумлари бўйича таҳлил қилинганда: кишда 14 та (35,9%), баҳорда 11 та (28,2%), ёзда 8 та (20,5%), кузда 6 та (15,4%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 8 та (20,5%), сешанба 7 та (17,9%), чоршанба 2 та (5,1%), пайшанба 7 та (17,9%), жума 4 та (10,2%), шанба 7 та (17,9%), якшанба 4 та (10,2%) нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим юз берган жойи таҳлил қилинганда: уйида 7 та (17,9%), тиббий муассасада 32 та (82,1%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Ўлим нафас олиш тизимининг айнан қайси бир касаллигидан юз берганлиги таҳлил қилинганда: пневмония - 32 та (82,1%), бронхопневмония - 6 та (15,3%), ўпкалар сили - 1 та (2,6%)ни ташкил этган. Пневмопатиялар ва ҳомиланинг бачадон ичи инфекциясидан ўлим ҳолати кузатилмаган.

Тадқиқот жараёнида охириги 3 йил давомида ўткир респиратор-вирусли инфекция натижасида ўлим ҳолати қайд этилмаганлиги аниқланди.

Олмалиқ шаҳар аҳолиси орасида 2020-2022 йиллар давомида нафас олиш тизими касалликлардан ўлим ҳолатлари таҳлиliga кўра, ўлим аёлларга нисбатан эркакларда ҳамда 1 ёшгача бўлган болаларда кўп учраганлиги, баҳор ва ёз мавсумларида ўлим кўрсаткичи ўсиб борганлиги аниқланди. Шунингдек, нафас олиш тизими касалликларидан энг кўп ўлим пневмония ва бронхопневмониядан юз берганлиги қайд этилди.

Хулоса. Давлат статистика қўмитаси берган маълумотларга кўра, мамлакатимизда нафас аъзолари касалликларида рўй берадиган ўлим кўрсаткичи 2008 йилда 6,6 фоизни ташкил қилиб, учинчи ўринни эгаллаган, биринчи ўринда юрак-кон томир касалликлари (59,3 фоиз) ва иккинчи ўринда ўсма касалликлари (7,1 фоиз)ни кўрсатмоқда. Болаларда эса нафас аъзолари касалликлари туфайли

рўй берган ўлим кўрсаткич 2008 йилда 35 фоизни ташкил қилиб, перинатал давр патологияси (44,8 фоиз)дан кейинги ўринни эгаллаган. Охирги йилларда нафас аъзолари касалликларида рўй берадиган ўлим кўрсаткичи 4,1-5,1 фоизни ташкил қилиб, бешинчи ўринни эгалади. Болалар орасида бу кўрсаткич 16-16,6 фоизгача камайди. Бу албатта, мамлакатимизда пульмонология хизматининг ривожланганлигидан далолат беради. Сўнги йилларда Соғлиқни Сақлаш тизимида амалга оширалаётган ислохатлар, замонавий диагностик ва даволаш усуллари Републикаимизнинг барча ҳудудларида татбиқ этилганлиги, доимий равишда янги даволаш ва диагностика стандартлари ҳамда протоколлари ишлаб чиқиляётганлиги ҳамда унинг бажарилиши доимий мониторинг қилиб борилиши ўз ўрнида бу соҳани ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар.

1. Abdullaxo‘jayeva M.S. Patologik anatomiya //Darslik. - Toshkent. “Tafakkur bo‘stoni” nashriyoti, 2012. II qism, 111-118 b.
2. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
3. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “MERIYUS” нашрети, 2009.
4. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.
5. Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т. Миокард инфарктидан ўлим ҳолатларини суд-тиббий таҳлили. //ТТА ахборотномаси. 2022, №10, 113-116 б.
6. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.
7. Маколкин В.И., Овчаренко С.И., Сулимов В.А. Внутренние болезни. Учебник. Издательство ГЭОТАР-Медиа, 2017.
8. Моисеев В.С., Мартынов А.И., Мухин Н.А. Внутренние болезни. Учебник. Издательство ГЭОТАР-Медиа, 2019.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

1. Пулатов Музафар Махаматжанович, РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиали, Олмалиқ шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлинмаси мудири, олий тоифали давлат суд эксперти.
Телефон: +998(97)-347-07-75, E-mail: pulatovmuzaffar279@gmail.com.
Яшаш манзили: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Намуна маҳалласи, Иқбол кўчаси, 15-уй.
2. Лочинов Фарход Назарович, Тошкент тиббиёт академияси
“Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси доценти, т.ф.н.
Телефон: +998 97 784 74 10. E-mail: lochinov.farxod7410@gmail.com.
Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қорасув б-12-68